



Халқ сўзи

Ўзбекистон
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzy@uzpak.uz

2002 йил 14 ноябрь, №247 (3075)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўқори сифатли, рақобатбардошли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ва уларнинг ассортиментини кенгайтиришни рағбатлантириш, чىكى истеъмол бозорини улар билан юқори даражада тўлдириш, шунингдек республиканинг ишлаб чиқарувчи корхоналари билан савдо ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2003 йил 1 январдан 2007 йил 31 декабргача: истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солигини амалдаги ставкадан 20 фоизга камайтирилган ставка бўйича тўлайдилар; бошқарувчи корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солигини 7 фоизлик ставка бўйича тўлайдилар. Бошқарувчи корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солигини 7 фоизлик ставка бўйича тўлайдилар. Бошқарувчи корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солигини 7 фоизлик ставка бўйича тўлайдилар. Бошқарувчи корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солигини 7 фоизлик ставка бўйича тўлайдилар.

даги амортизация ажратмаларининг йиллик миқдори Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган нормалардан ошмаслиги керак;

корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган истеъмол товарлари рекламасига ҳаражатлари даромад (фойда) солигини ҳисоблаб чиқишда солиққа тортиладиган баъдан тўлиқ ҳақда чиқариб ташланади.

2. Белгилансинки, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган (истеъмол товарлари ҳажми ишлаб чиқариладиган товарлар умумий ҳажмида камида 60 фоизни ташкил қилади) корхоналар 2003-2005 йилларда:

истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар импорт бўйича божхонада расмийлаштирилган кейин 60 кундан кечиктирмай, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун эса 90 кундан кечиктирмай божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йилликлардан ташқари) тўлайдилар. Бунда ушбу қўшиқ асосида (тоднинг бўйича) истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун келтирилган хом ашё божхона тўловларидан озод қилинади, божхонада расмийлаштириш учун йилликлардан бундан мустасно;

(Давоми 2-бетда).

Ҳосилга барака!



КониMex туманидаги Ҳамид Олимжон номи ширкат ҳўжалиги асосан дон етиштиришга ихтисослашган. Шу бois бу ерда кузги галла экиш ишлари нйҳосига етмоқда. Жумладан, галлакорлар 600 гектар ерга бугдой, 190 гектар майдонга оралиқ экинлар уруғини қаладилар. Бу юмушни биринчилардан бўлиб удалаган бош пудратчи Бердйёр Тўхтамшиев бошлиқ жамoa эса келаси йили ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил олиш ниятида майсаларни парвариллашга киришдилар.

СУРАТЛАРДА: бош пудратчи Бердйёр Тўхтамшиев ва ишчи Тагайт Бердйёров; бугдой экиш пайми.

С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



(Давоми 2-бетда).

Маърифат соати

Ўрта асрларда яшаб ижод қилган Шарқ алломаларидан бири Абдибек Шерозий «Бировга яхшилик қилсанг, қилган яхшилигингни яшир, биров сенга яхшилик қилса, эл орасига ёй», деб ёзган экан. Бу оддий, лекин даҳоликка алоқадор сўзларда асл инсонийликка даҳлдор хислатлар мувожазаси назаримда.

Демократик жамиятнинг фойзли фазилатлари

Бундан 11 йил аввал ҳўқрон бўлган сиёсат, маърифат тамойиллари бизга Фаробий маънавиятини шундай яқинлаштирдик, биз инсонни бутун халқ авлодлари, керак бўлса, очик айтиш керак, бир-биримизга меҳрибон, сарват, миннатли, қилган ишимиз учун керагидан ортик халқ талоқ қилдирган худбин, иззатлаб одамларга айланб қолдик. Шунинг учун бўлса керак, ҳўзир хориждик психолог олимларнинг инсон сифатлари тўғрисидаги қўниҳатларини ўқисам, бизга аслида қўплари хос бўлиши керак бўлмасда, аслида ҳўзимизда уларнинг қўпчилигини ҳўзир борлигини кўриб турибмиз.

Машҳур психолог олим Дэвид Майерс инсон худки ва унинг ижтимоий сабабларини таҳлил қиларкан, ундаги икки жиҳатга эътиборни қаратади: биринчидан, одамлар ўз хатти-ҳаракатларида бирор муқоимасиз сазиб қолсалар, унинг айбдорини ташқаридан қиларкан. Тўпғудан бўлса, ўша сабабнинг юқори баҳоладан. Масалан, талаба олган ёмон баҳоюда асосий айбони яхши даражадан екин яхши тўшунига олган профессорга юқлайди.


Иккинчидан, инсон узига баҳо беришда ҳар доимо нисбатан субъектив тарздаги хайрихоҳликка йўл қўяди. Яъни, биз ҳар бир ҳаракатимизни беайиб, беиҳкўсон дегинишга мойилмиз. Шунинг учун бўлса керак «мен айтдим», «мен удаладим», «каби ибораларини ишлатамиз. Агар бу тўки ҳолатга ўз нуқтан назаримиздан бизни ҳўзирдан бўлса, ёнимиздагиларга, узимизга баҳо беришда «хон сўт эмган банд», аслида худбин екин иззатлаб экан-да, деган ҳўдосига келишимиз мўмкин.

Мен Абдибек Шерозийнинг фикрини бекорга келтирмадим, Чўнки гарблиқларда эғоим ва худбинликка хос сифатлар маълум маънода қўлаб-қўватландиса-да, бизда бориб Шарқда хос бўлган жамоавийлик ҳўсу-сиятлари қадимдан устувор бўлган. Алломаларимиз шў сифатларнинг мўдoм сақланишига ҳаракат қилганлар.

Хўш, бугун эркин, демократик жамият қўраётган ёшларда қайси сифатларни тарбия-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида



Аввал хабар қилганимиздек, 12 декабрда иккинчи ҳаққир ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси ўз ишнин бошлади. Шў муносабат билан сессияга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тўзилади.

13 ноябрь кўни депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Уни гуруҳ раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б.Бугров бошқарди.

Йиғилиш қатнашчилари парламентнинг навбатдаги сессияси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Президент И.А.Каримов томонидан илгари сўрилган дастурга мувофиқ Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада мўқурлаштириш ва фўқаролик жамияти асосларини шакллантиришда мўҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Бундан ташқари сессия жамият ва давлат ҳаётининг ҳўқуқий асосига айланган мўстак ўзбекистон Конституциясининг ўн иккинчи мамлакатда кенг нишонланган кўнларда бўлиб ўтди. Шў муносабат билан барча тайёргарлик тадбирларини ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ташкилий-техникавий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Депутатлар ишчи гуруҳининг ишнин самарали ташкил қилиш мақсадида унинг таркибига навбатдаги сессияга тайёргарлик кўриш ва ўтказишнинг турли йўналишлари бўйича учта кичик гуруҳ тўзилади.

Кўнучилик ва суд-ҳўқуқ масалалари кўмитасининг раиси Н.Исmoilов раҳбарлигидаги кичик гуруҳга Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси муҳокамага кўн тартиби юзасидан таъкидлар тайёрлаш, сессия муҳокамага киритилаётган қўнун ҳўжатлари лойиҳаларини депутатларга

ўз вақтида етказиш, шунингдек, тўш-қўн таъкид ва мулоҳазаларини умумлаштириш топширилди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг раиси Н.Жўраев раҳбарлик қиладиган кичик гуруҳ парламент сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларининг оммавий аҳборот воситаларида тезкор ёритилишини, журналистларни акредитация қилиш билан боғлиқ ишларни, парламент йиғилиши ўтказилаётган залдаги «Рада-Мажлис» овоз бериш электрон тизимининг аниқ ишлашини таъминлайди.

Иқтисодиётнинг ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик кўмитаси раиси М.Умаралиев раҳбарлигидаги кичик гуруҳ сессияга келган депутатларнинг мўқоималарга жойлаштирилиши, улар парламент сессиясида самарали фаолият юритишлари учун зарур бўлган барча ҳўжатларни ташкил этиш билан шў-

ғулланади.

Йиғилишда қўнун ҳўжатлари лойиҳаларини сифатли тайёрлаш, уларни депутатларга ўз вақтида етказиб бериш, киритилган таъкидларни ўрганиш ва ҳисобга олиш ишнининг самаралорининг таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, сессияга тайёргарлик кўришнинг бориши ва сессия ишнини оммавий аҳборот воситаларида кенг ёритиш, қўнун ижроқилишида сиёсий партиялар фракцияларининг фаол қатнашчилари зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ишчи гуруҳ йиғилишида сўзга чиққан депутатлар қўнун ҳўжатлари лойиҳаларини бўйича олиб бориладиган ишлар тўғрисида аҳборот бериш, навбатдаги сессияга пўхта тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказиш учун бор қўн-ғайратларини сафарбар этишга тайёр эканликларини ижор етдилар.

“ДЭУ Юнител” компанияси Нукус шаҳрида янги электрон уяли телефон алоқасини йўлга қўйди.

Янги уяли алоқа

— Бу Қўрақалпоғистоннинг алоқа тизимидаги иккинчи уяли алоқа тармоғи, — дейди “Қўрақалпоғистон” акционерлик жамияти раиси Ўробой Таъенов. — Шў вақтгача Нукусда “Уздўрбита” компанияси уяли телефон алоқа хизмати кўрсатиб келар эди. Йил охиригача қўрақалпоғистонликлар жаҳонда катта нуфузга эга бўлган COSKOM компанияси хизматидан ҳам баҳраманд бўлади.

Аҳолига хизмат қўрсата бошлаган замонавий электрон уяли телефон алоқаси шаҳар юбилейига муносив тўхта бўлди. А.ОРИТҚОБОВ, ЎЗА мухбири.

Давра суҳбати

Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик кўмитаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳўзурдаги Иқтисодий нўчор корхоналар ишлари бўйича кўмитаси билан ҳамкорликда “Банкротлик тўғрисидаги қўнун: ривожланиш, тажриба ва муаммолар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қўнунининг (янги таҳрирдаги) лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу қўнун лойиҳаси Юртбошимизнинг 2002 йилнинг биринчи яри йиллик яқунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда банкротлик институтини ривожлантириш, нўчор корхоналарни иқтисодий соғломлаштириш, иқтисодиётда олиб бориладиган ислоҳотларни янада ривожлантириш бўйича берган қўрсатмалари асосида Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳўзурдаги Иқтисодий нўчор корхоналар ишлари кўмитаси, Азия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди ва хориждик экспертлар ҳамда тегинли вазирлик ва илоралар томонидан ишлаб чиқилган қайд этилди.

Давра суҳбати қатнашчилари янги қўнун лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазалар ҳамда мўҳим таъкидларини билдиришди.

Салим ДОНИЁРОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

Кеча Олий Мажлисининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ер кодексининг Жиззах вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди. Вилоятда ерлан умумий фойдаланиш, унинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасида тадай ишлар амалга ошириляпти. Айрим ютуқлар ва муваффақиятлар ҳам қўла киритилляпти.

Маълумотларга қараганда, вилоятда жами 2 миллион 117 минг 800 гектар ер майдоми ҳисобга олинган. Шундан 1 миллион 432 минг 300 гектар ер кишлоқ ҳўжалик максалаларида фойдаланилади. Бу вилоят ер фонднинг 67,6 фоизини ташкил етди дегани. Аммо Ер кодексининг вилоятдаги ижроси ўрганилганда, ана шў ерлардан самарали фойдаланилмаётганлиги маълум бўлди. Жумладан, Жиззах вилояти ва туманларда ерларни муҳофаза қилиш бўйича амалга ошириляётган ишлар устидан давлат назоратини ўрнатишда жиддий

Ижро талаб даражасидами?

камчиликларга йўл қўйилган. Бу ҳақда ишлаб чиқилган ҳудудий дастурлар амалда умуман жорий этилмаган. Энг ачинарлиси, вилоятда кадастр зоналари бўйича сўғориладиган ерларнинг балл бонитети охириги 10 йил ичида 53 дан 50 баллга тушиб қолган.

Йиғилишда мавжуз сўғориланган ер майдонларидан нўтўри фойдаланиш оқибатида урта, юқори ва ўта шўрланган ерлар билан йилга ортиб бораётганлиги алоҳида таъкидланди. Кишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ер фонднинг мелiorатив ҳолати йилдан йилга ёмонлашиб бораётган бир вақтда 2000 йил давомида сўғориланган ер майдонларидан ноқийлоқ ҳўжалик максалалари учун нимагадир 175 гектар, 2002 йилда эса 931 гектар ер ажратилган. Бу ўз

навбатда ажратилган ер майдонларидан мақсадали фойдаланмаслик ҳолатларига олиб келган. Чўноқни, 2000 йилда 5944 гектар, 2001 йилда 10935 гектар, 2002 йилда эса 14635 гектар майдонга экин экилмай қолган. Бу асосан Арнасай, Зомин, Зарбдор ва Фориш туманлари ҳисобига тўтри келади. Бундан ташқари, мақсадали ажратилган ерлардан 2001 йил давомида 9363 гектар, 2002 йилнинг олти ойида эса 268 гектар ердан нўқўнунинг фойдаланганлиги аниқланган.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегинли қарор қабул қилинди. Ва, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун тавсиялар берилди.

Фуркат САНАЕВ, “Халқ сўзи” мухбири.

Юртга содиқ инсонга нима афзалдир бугун? Жавоб шу: халқ меҳри, халқ фикри, халқ сўзи устун

Агар сиз

- ҳўқуқий давлат қўраётган жамиятга муносив фўқаро бўлай десангиз,
- икки валаматли парламент яратилишида фўлз иштирок этишини истасангиз,
- дўнёда рўй бераётган воқеаларга беварқ бўлмасангиз,

«Халқ сўзи»га обунани расмийлаштиришни кечиктирманг.

Нашр индексимиз — 229

«Обуна каталоги» инглиз ва рус тилларида «Интернет»га киритилган. «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг веб сайти («манзил вараги»): <http://mtu.uzpak.uz/uzbek.html>

Жамоатчилик асосида обуна уюштирганлик учун улар топширган нақд маблағининг 0,1-1 фоизигача ҳақ тўланади. Обунани расмийлаштириш, напирларни чўштариларга етказиб беришнинг имконияти олган тадбиркор, меҳнат жамоаси ва маҳалла вакилларига партиома асосида қўшимча рағбатлантириш пули берилади.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

Обуна

2
0
0
3

Бугуннинг либоси

Маълумки, кишлоқларда аҳолининг аксарияти тайёр кийим олишдан кўра тиктиришни маъқул кўради. Лекин вилоятларда устки либосларни тикувчи мохир маҳаллий усталар, конструктор-модельерлар танқис. Тажриба алмашиш, иш ўрганиш учун мурожаат этиб, «бош сукиб» келувчи марказлар йўқ. Дарвоқе, бир пайтлар пойтахтда Республика модалар уйи ташкил этилган эди. Хозир бу ташкилот Республика тикувчилик санвати ассортимент ва модалар маркази деб аталади. Бугун рақобатчилик кучайган маҳаллий бозорда қорхона миллий-замонавий либослар ишлаб чиқаришни қай тариқа йўлга қўймоқда? У юртошларимизнинг кийиниш маданиятига муносиб улуш қўшишда ўз номи билан марказ вазифини ўтаётими?

Ойдек бўлсангиз ҳам

— Алишер Исмолович, халқимиз орасида «яраб меҳнат қилсанг» деган гап бор. Замонага мос ишчи, қулай, миллий кийим-кечалар яратиш соҳасида бундай меҳнат палласига алақачон қирган бўлсангиз керак. Лекин бу жараб республика маданий ҳаётида несадиур у қадар сезилмапти. — Санокти ойлар бўлди. Жамоамиз янгича услубда ижод ва меҳнат қилиш учун мулкчиликнинг очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти шаклига ўтди. Асосий иш фаолиятимиз маҳаллий ишлаб чиқаришдаги буюртмачилар учун техник тавсифномалар тайёрлаш. Яъни маълум қорхона ёки офис ходимларига мўлжалланган маҳсул кийим бошлар иш кучи, вақти, касб йўналишига қараб тавсифномаларда ўз инфоляцияси топади. Уларда мато ҳамми, бичими, дизайни белгиланган бўлади. Агар буюртмачи истаса, уларни ўзимиз тикиб берамиз. Шунингдек, биз тендер асосидаги танлов натижаларида кўра маҳсулот чиқарамиз. Бу иш услубимиз ҳам ўзини оқлатапти, чунки бизда аксарият танловларда голибликни таъминловчи омишлар бор. Улар моҳир конструктор-модельер, расом-дизайнер, уста тикувчи мутахассисларнинг борлиги ва улар ўртасидаги мустақам ҳамкорликнинг қарор топганлигидир. Айнан шу уч ҳамкорликнинг мавжудлиги боис ҳам бизнинг маҳсулотларимиз рақобатбардос. Шулар ҳисобига иқтисодий имкониятларимизни эндигина тиклашга киришдик. Хозир Мудофаа вазирилик буюртмасига кўра кийим-кечалар тикаямиз. Қуни-кеча бир ҳамюртимиз Германия давлатида миллий таомлар ресторани ташкил этаётганини айтиб, ходимлар учун маҳсул кийимлар тикиб беришимизни сўради. Биз атласдан миллий кийимлар тикдик. Маҳсулот яратишдаги энг биринчи эътиборимиз

тоғлардан тикилган азалий русмаги миллий қўйлақлар ҳамшиша модала, ҳамшиша эътиборда. Агар сиз ривожланган давлатларнинг қайси бирида бўлманг, ўша ердагилар кийимга монанд кийинсангиз, сиз ойдайд бўлсангиз ҳам эътибор беришмайди. Агар сизнинг қиёфанингиз у қадар кўзга ташланмасда, узун атлас куйлак, сочлар майда урилган ҳолатда дўппида юрсангиз, ҳамма ҳурмат билан келаятган баъзи ярим инсонни энг замонавий урфдаги либосларга нечоғли бурканганига қараб баҳоламайдилар. Ўз миллий дунёсини, унга уйғун ўз қиёфасини асраган, уларни намоён эта олган кишини кўпроқ қадрлайдилар. Шу боис халқимиз, айниқса ёшларимизда миллий қадриятларимизга, ўзинимизга эътиқод қанчалик кучли бўлса, четдан кириб келаятган баъзи ярим яланғоч либосларнинг бозори шунча касод бўлади. Ешлар ундай кийимларга кўр-қурона эргашмайдилар. Ҳамма гап эътиқодда. — Муҳожадаларингизга тўла қўйиламиз. Яна шунини таъкидламоқчи эдикки, эътиқод ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ешларда уни сизу бизга ўхшасан маданият ва маънавият тарбияotchилари шакллантиради. Илаган имкон топади дегандай, энг миллий русмлардаги замонавийлик-кечаларни яратиб, республика аҳли учун тарғиб қилиш йўллари барибир қидириб топса бўлади. Чекка кишлоқларнинг тикув-цеҳларида меҳнат қилаётган маслаҳат, йўл-йўриққа мутож ҳамкасбларингиз учун услубий ёрдам кўрсатишингиз ҳам айни мuddаидир. «Халқ сўзи» мухбири Мамлакат НОРМУРОВА сўхбатлашди.

Бош котиб иштирок этади

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Нигерия ва Камерун давлатлари ўртасидаги ҳудудий баҳсларни ҳал этиш бўйича музокараларда қатнашишга қарор қилган. Ушбу давлатлар ўртасида илгаридан Бакасси ярим оролига эга бўлиш бўйича зиддиятлар мавжуд. «Газета ру»нинг маълумотига кўра, Нигерия президенти Опусегун Обасанжо ва Камерун президенти Пол Бий ўртасидаги музокаралар Женевада жума кўни бошланади.

Резиденцияга ҳужум

Непалда ҳарбийлар қирол Гьянендранинг асосий консул-татив органи — Давлат кенгашининг раҳбари Кешар Жунга Райамажи резиденцияси биносига бомба отган кишини отиб ўлдирди. Таҳминларга кўра, у Мао исёнчиларига дахлдор бўлиши мумкин. «Рейтер» агентлигининг хабарига қараганда, ушбу ҳужум маочилар томонидан эълон қилинган уч қўнлик норозилик намойишларининг охири кўни содир бўлди.

Дизентерия тарқалмоқда

Шимолнинг Остетияда дизентерия касаллиги тарқалмоқда. Ҳозиргача бу касаллик билан оғриган 50 дан зиёд киши республика шифохоналарига келтирилган, уларнинг кўпчилиги — болалар. Бу ҳақда «РИА» Новости-агентлиги хабар тарқатган. Шифокорларнинг фикрича, ушбу касалликка Россиянинг бошқа ҳудудларига сингари Кропоткин сўт комбинасти маҳсулотини истеъмол қилиш сабаб бўлган.

Вулқон фаоллашиши мумкин

Индонезиянинг Ява оролида отиладётган «Папанда» вулқони яқинда яшовчи қишлоқлардан 2000 дан зиёд киши кўчирилган. Ҳукумат вакилларининг айтишича, яқин кунлар ичида вулқон янада фаоллашиши мумкин. «Рейтер» агентлигининг маълум қилишича, Жакартадан 175 километр жанубдаги Гарту шаҳри яқинда дўшанбадан бошлаб хавфсиз жойларга кўчирилмоқда.

Ўтган ҳафта БМТ Хавфсизлик кенгаши Ироқ бўйича резолюция қабул қилган эди. Халқаро ҳамжамият маэкур ҳужжатнинг Бағдод томонидан қандай қабул қилинишини кутаётган бир пайтда Ироқ парламенти резолюцияни рад этгани хақида хабар тарқатилди.



БМТ ИРОҚДАН ЖАВОБ КУТМОҚДА

Ушбу ҳужжат Араб давлатлари лигаси томонидан ҳам маъқулланган эди. Халқаро ҳамжамият бир овоздан Ироқ раҳбариятини ҳужжати қабул қилишга чақирди. Чунки кўпчилик, резолюция Бағдод томонидан рад этилса, Яқин Шарқда уруш чиқиши муқаррар, деб ҳисобламоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган навбатдаги резолюция Ироқнинг ҳарбий дастурлари устидан назоратни янада кучайтиришни назарда тутди. Шунингдек, Ироқ 30 кун ичида ўз ихтиёридаги мавжуд қурол-яроғ рўйхатини БМТга тақдим этиши лозим. Бундан ташқари, жумагача Бағдод резолюцияда кўрсатилган талабларни сўзсиз бажаришга розилиги хақида расман баёнот тарқатиши керак. ПАТА-ТАСС мухбирининг БМТ қароргоҳидан берган хабарига қараганда, Бош котиб Кофи Аннан Ироқ парламенти ҳужжати рад этганидан хабар топган, Ироқ ҳукуматидан ушбу ҳужжат юзасидан расмий жавоб кутаётганини

маълум қилган. Кофи Аннанинг таъкидлашича, Ироқ БМТ Хавфсизлик кенгашининг талабларини сўзсиз бажариши керак. Яъни 8 декабрда Бағдод БМТ Хавфсизлик кенгашига оммавий қиргин қуроллари бўйича дастурлари хақида тўла ҳисобот бериши лозим. Режага кўра, халқаро назоратчиларнинг илк гуруҳи 18 ноябрда Ироқда бўлади. Қоҳирадан тарқатилган хабарда айтилишича, Ироқ парламенти резолюция бўйича яқини қарор қабул қилишни давлат раҳбари зиммасига юклаган. Ироқ қонунчилари қабул қилган ушбу қарорда айтилишича, президент Садам Хусейн мамлакат халқини, унинг мустақиллигини ва гурурини ҳимоя қилиш учун зарур ҳисоблаган барча чорани кўриши лозим. Ироқ парламенти қарорини АҚШ президенти Жорж Буш кескин қоралади. Оқ уй раҳбари Ироқнинг қуролсизлишига таъйёрлиги борасида шаҳсан Садам Хусейннинг ўзи

фйкр билдириши кераклигини таъкидлади. Франция ташқи ишлар вазири Доминик де Вильпен эса, Ироқ БМТ назоратчилари билан ҳамкорлик қилмаса, уруш — муқаррар, деди. У халқаро ҳамжамиятнинг талабини бажариш ёки бажармаслик шаҳсан Садам Хусейннинг қарорига боғлиқ эканлигини айтди. Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Ироқ парламенти қарорига муносабат билдирар экан, бу қарор ҳеч нарсани ўзгартирмаётганини таъкидлади. Чунки, охири-охири Ироқ барибир қуролсизланиши лозим. Ироқ парламенти қарори халқаро нефть бозорига ҳам жиддий таъсир этади. Нью-Йорк ва Лондон нефть биржаларида нарх 3 фойизгача қимматлашди. Бироқ бу ўзгаришга Саудия Арабистонининг ноябрь ва декабрь ойларида нефть экспортини камайтириш ҳақидаги режаси ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Сандмурод РАҲИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

«Аждодлар мероси»

Навойда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири, республика таълим маркази, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси, «Матэнавият ва маърифат»

маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Аждодлар мероси» кўрик-танловининг вилоят босқичи яқунданги. Шаҳар ва туманлар голиби ҳисобланган санъатсевар ёшларнинг ўзаро беллашувлари

ҳаммада чуқур таассурот қолдирди. Танлов натижаларига кўра Қизилтепа туманидаги 13-мактабнинг «Зарафшон» гуруҳи голиб деб топилди, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for COSCOM - MODEL featuring a large vertical logo on the left, a central graphic of a clock face with dollar amounts, and text in Russian and Uzbek. The text includes 'COSCOM компанияси сизларга янги, ноёб COSCOM - MODEL тариф роботасини таклиф этади.' and 'Сизнинг мулоқот моделингиз'. At the bottom, it says '2002 йилнинг 15 ноябридан бошлаб COSCOM компаниясининг барча филиалларида.' and provides phone numbers: 'Телефонлар: 180 00 00, 181 00 00.'

© СП «COSCOM». 2002 муаллиф ҳуқуқлари ҳимояланган. Лицензия № 0000147

Азизларга сўзин ёзди...

Тарихий манбаларда XII асрларда хозирги Қўнғирот шаҳрига яқин ерда, Устюртдаги катта қарвон йўли бўйида Боқиргон деб номланган шаҳар қалъа бўлган. Сулаймон шу ерда таваллуд топган. Унинг адабий тахаллуси ҳам шу шаҳарнинг номи билан Боқиргон-Боқиргоний деб аталган. Сулаймон Боқиргонийнинг авлиёлик даражасига кўтарилиши ва ҳаёт йўли ҳақида кўплаб ҳақиқий ва афсонавий маълумотлар бизгача етиб келган. Айниқса халқ оғзаки ижодиётида шаклланган, катта тарбиявий маънога эга бўлган афсона, ривоятлар маданиятимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган.

Сулаймон ёшлиғида жуда зийрак ва одобли, ҳатто, ноёб инсоний ҳушга эга илоҳиёт илмига ташна бўлган. Мактабга бораётганда каломуллоҳни бошида кўтариб юрар экан. Буни кўрган Ҳазрат Хўжа Аҳмад Ясавий уни ўзига шогирдликка олади. Бир сафар Ҳизр Илёс Хўжа Аҳмад Ясавийнинг унга меҳмонга келганида таом тайёрлаш мақсадида шогирдларга ўтин йиғиб келишни буюрган. Уларнинг олиб келган ўтинларининг ниҳда фақат Сулаймонники ёниб, унинг чўғи билан бошқаларининг ўтини ҳам ёнган. Сабоби Сулаймон терган ўтинини ёмирдан сақлаш учун чопони билан ураб олган экан. Буни кўрган Ҳизр Илёс "Уғлим ҳокимона иш қилдинг" деб унга "ҳоким" деган номни лойиқ кўрган. Бу воқеаларни Сулаймон ўзининг "Ҳизр Илёс бобом бор" деган шеърда баён этади. У Хўжа Аҳмад Ясавийнинг намоз пайтида шогирдларининг синашида "Сизларнинг ичингизда бир бутун мурид деб Ҳаким Хўжани, ярим мурид деб суфий Муҳаммад Доншамандни айтади", деган. Сунг Хўжа Аҳмад Ясавий Сулаймонни дуо қилиб "Эрта тонгда эшигингизнинг олдида бир тўя бориб чўкса, ўшани миниб, бошини бўш қўй. Тўя қайси ерга бориб чўкса ўша ер сенинг манзил-мақоминг бўлур" деб шогирдига рўхсат беради. Тўя Кат шаҳрининг шимол томонидаги Боқиргоннинг ерига келиб чўкади. Тўяга "тўр" деса турмаган, дейилади афсоналарда. Сулаймондаги қароматини сезган Боғроҳон ўзининг қизи Анбарини унга хотинликка берган. Улар уч ўғил кўришган.

Сулаймон Боқиргонийнинг Аҳмад Ясавий ҳақидаги шеърларидан маънавий озиқ олган Амир Темур унинг қабри устига мақбара қўйдирган. Тарихчи археологлар Ҳаким Ота мақбарасини ҳам Соҳибқирон Амир Темур даврига оид ёдгорлик деб ҳисоблайдилар.

Мерос

Сулаймон Боқиргонийнинг фалсафий қарашлари Аллоҳга бўлган ишқ орқали юксак даражадаги ижодий маҳорат билан берилди. Инсонга ишонч зарурлигини ва шу тўғрисида қайта туғилганини аъжоб шеърини мисраларда таърифлайди. Исо пайгамбарнинг дунёга келишини, Мухаммад пайгамбарнинг Арши аълога кўтарилиши, Иброҳим алайҳиссаломнинг ўз ўғли Исмоилини Оллоҳ йўлига қўриб қилиш ниятини ва унинг ўрнига осмондан қўқорнинг юборилиши тафсилотларини поэтик маҳорат билан баён этади. "Ҳар кимни кўрсанг Ҳизр бил, ҳар тунни кўрсанг қадр бил", деб инсоннинг қадр-қимматини юқори баҳолаб, ҳаётнинг қадрига етиш кераклигини таъкидлайди.

Сулаймон Боқиргоний асарларида бу дунёни дўзахга айлантирмаслик, нафс балосига берилмаслик, халққа жабр ситам этмаслик, маънавий қулликдан йироқ бўлиш, дин қўдратини дўғулаш, инсонни бу дунёнинг сўтлоқи эканлигини унутмаслик каби ижтимоий таллабларни илтари сурди. Айниқса нафс қўлигини қоралаб, одам ўзининг нафсини жиловлаётган бўлиши катта аҳамиятга эга эканлигини,

инсоннинг нафси билан маънавий дунёсининг бир-бирига қарам-қаршилигини, руҳининг нафсадан устун бўлиши зарурлигини таъкидлайди. "Бу беш кунлик ўткнчи дунёда даврон сур, усти-босингни ялтиратиб юр" дегуви нафсига қарши Рўҳ номидан "Илм билан тариқат йўлини бил, саҳар турмоққа одат қил", "Тариқат майдо-майдо жавлон урмасдан муҳаббат фироғини миниб чопмасдан, ҳақиқат дарёсидан гавҳар олиб бўлмайди" дейди. Нафсга эса бунинг кераги йўқ, Нафс фақат дунё — молга эғалик қилишга, унинг учун ўтга тушишга ҳам тайёр эканлигини кўрсатади.

Буюк бобомиз Алишер Навоий ўзининг "Насоимул муҳаббат" асарида Сулаймон Боқиргонийнинг Ҳаким деган исми ҳақида батафсил маълумотлар беради. У Ҳаким ота туркий халқлар орасида шухрат топганлигини таъкидлайди. Узбек адабиётининг таниқли вакили Бобораҳим Машраб Сулаймон Боқиргоний ҳикमतларининг муҳлиси бўлган. Таъкид туркман шоири Маъмулқул Қўнғиротга ҳар сафар келганида Ҳаким ота қабрини зиёрат этган ва ундан маънавий озиқ олган. Таттар шоири Абдулла Тўқай эса унинг ҳикमतларидан илҳом олиб, бир неча шеърлар ёзган. Қорақалпоқ мумтоз адабиётининг вакиллари Қўнхўжа, Ажиниёз, Бераҳ ва бошқа шоирлар ҳам Сулаймон Боқиргоний ижодини теран урганганлар. Ўз асарларида унинг фалсафий фикрларини яна ҳам ривожлантирганлар.

Ёш полвонлар ҳар ойда беллашади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармонида бинам Сурхондарё вилоятида болалар спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилувчида, Жумладан, "Сурхон полвонлари" шиллий кураш турини мунтазам, яъни ҳар ойда ўтказиладиган бўлди.

Сурхондарё вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда вилоят шиллий кураш федерацияси бирга таъин қилинган қўмитани ташкил қилди. Унда болалар, ёшлар ва 25 ёшгача бўлган полвонлар иштирок этиши мумкин. Мусобақалар Термиздаги "Атлантик" кураш жамғамасида ўтказилди.

"Сурхон полвонлари" туринининг ўз доминлари ҳам бор. Улар кураш мажмуғига тўра-назорат, татавни ва бошқа спорт анжуманлари олдига ўзини 5 миллион сўм миқдорда маблағ ажратди.

Чори ТУХТАЕВ, ЎЗА мухбири.

Спорт

Жиззах шаҳридаги Алишер Навоий номли мактаб жамоаси 8-синф ўқувчиси Юлдуз Ҳамроевани афсонавий Греция мамлакатига кузатиб қолишди.

Юлдуз Жаҳон чемпионатида Жўнаб кетди

Юлдуз у ерда 26 ноябрда қадар ўтказилган ўсирилар ва қизлар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионатида қатнашди.

14 ёшгача бўлган қизлар ўртасида 4 қарра Ўзбекистон ғолиби, Осиё чемпионати бронза медали совриндори Юлдуз Ҳамроевани шахмат соҳасидаги билими, тажрибаси ва маҳорати алоҳида эътирофга лойиқ. Масъулиятли мусобақага Юлдуз соҳанинг билимдон, отаси Ойбек Ҳамроев раҳбарлигида тайёрларди кўри.

Беҳридин САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ёш полвонлар ҳар ойда беллашади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармонида бинам Сурхондарё вилоятида болалар спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилувчида, Жумладан, "Сурхон полвонлари" шиллий кураш турини мунтазам, яъни ҳар ойда ўтказиладиган бўлди.

Сурхондарё вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда вилоят шиллий кураш федерацияси бирга таъин қилинган қўмитани ташкил қилди. Унда болалар, ёшлар ва 25 ёшгача бўлган полвонлар иштирок этиши мумкин. Мусобақалар Термиздаги "Атлантик" кураш жамғамасида ўтказилди.

"Сурхон полвонлари" туринининг ўз доминлари ҳам бор. Улар кураш мажмуғига тўра-назорат, татавни ва бошқа спорт анжуманлари олдига ўзини 5 миллион сўм миқдорда маблағ ажратди.


Чори ТУХТАЕВ, ЎЗА мухбири.



Кейинги пайтда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган юксак эътибор боис, жойлардаги спорт мажмуаларида ҳам талай ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Хусусан пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 650 ўқувчи мазкур Республика Олимпия ҳазирлари коллежиди яқинда янги — от спорт бўлими очилди. Мазкур бўлимода ҳозирча 6 нафар ўқувчи бўлиб, уларнинг ихтиёрига 2 та от берилади.

СУРАТЛАРДА: республикада хизмат кўрсатган спорт мураббий Исоқ Тошмуҳаммадов шогирдлари даврасида; янги очилган бўлимининг ўқувчилари ўз тулпорлари билан.

Нўмонжон МУХАММАДЖОНОВ олган суратлар.



Афғонистонда кураш федерацияси тузилди

Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) матбуот хизматида ЎЗА мухбирига маълум қилинганча, Афғонистонда ҳам кураш федерацияси ташкил этилиб, расман иш бошлаган.

Қобулдан келган маълумот Афғонистон кураш федерацияси президенти Ясир Саидан Санга Махмуд Зие Дастиги федерацияни КХАга тўлақонли раъсмин ёзди сифатида қабул этишни илтимос қилган. Аини пайтда ассоциацияга ўтказилган халқаро мусобақаларда, жумладан, шу йил декабрда Хиндистоннинг Деҳли шаҳрида бўладиган иккинчи Осиё чемпионатида афғон полвонлари қатнашиши учун рўхсат суратган.

Афғонистон — кураш федерацияси очилган дунёдаги эллик тўққизинчи мамлакатдир. Бу эса халқимизнинг ифтихори бўлган ўзбек шиллий кураши жаҳон бўлаб оммавийлашганнинг яна бир далилидир.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ, ЎЗА мухбири.

ҲИҚМАТ

Беватан бўлсанг тиконнинг ўзисан.

Тошкент шаҳридаги 48-ўрта мактабда Улқашунослик музейи фаолият кўрсатиб келмоқда. Музейни тарихимизни қизиқиш билан ўрганаётган мактаб ўқитувчиси Лидия Куличенкога ташкил этган.

Мактабда музей

Ўқувчилар билан мамлакатимизнинг тарихий жойларига ўтказилган саёҳатлар муаллими мактабда ўлкаимиз музейини яратиш фикрини тугатди. Устоз ва шогирдлар биргаликда Тошкентдаги Шостена, Мингүрик, Чилонзор, Оқтепа, Юнусовлар курашлари ва вилоятларга сафарларда археологик тадқиқотлар олиб боришни, топилмалар олиб келишни, шу тариқа қадимий сопол буюмлар, ҳум, офтоба, ланглар ва металлдан ясалган буюмлар ҳамда бошқа осор-атиклар музейдан жон олд. Музейда ноёб экспонатлар билан бирга Алишер Навоий ва бошқа буюк адибларимизнинг суратлари ҳам бор.

Павел СИЛИН, тарихшунос.

Тиббиёт

ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

Сил — ўта хавфли касаллик. Афсуски, кейинги вақтларда дунёда бу касаллик оқибатида вафот этаётганлар сони ортмоқда. Мамлакатимизда ушбу касалликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва назорат қилиш борасида жиддий чора-тадбирлар амалга оширилади. Биринчи навбатда чақалоқларни уч кунлигиндаёқ силга қарши эмлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Пойтахтимизда сил касаллигининг олдини олиш ва назорат қилиш масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро симпозиумнинг очилиш маросимида ана шу ҳақда гап борди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги ва бир неча халқаро лойиҳалар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими вакиллари, илмий мусасасалар ходимлари ва хорижлик мутахассислар иштирок этмоқда.

15 ноябрда қадар давом этадиган ушбу анжуман мобайнида сил касаллигининг глобал миқёсдаги муаммолари, хусусан, унинг Европа ва Марказий Осиёда аини пайтдаги ҳолати, мазкур касалликка қарши кураш шиллий асруларини ҳаётга татбиқ этиши, бу бордаги муаммоларни молиявий қўллаб-қувватлашга оид мавзуларда маърузалар тингланган.

(ЎЗА).

Айни пайтда Янгиёул, Оҳангарон, Зангиота, Чиноз туманларида фаолият кўрсатаятган шифокорлар хизматида кексалар манзиви, Л. СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

Яна бир қулайлик

Кариаларни қадрлаш йили муносабати билан Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси йил бошдан буён вилоятнинг ўн бешга яқин шаҳар ва туманларидаги иририк поликлиникаларда геронтология хоналари ташкил этилди. Бу хоналарда мутахассислар кексаларда учрайдиган касалликларни аниқлаш ва даволаш билан шуғулланмоқда.

Айни пайтда Янгиёул, Оҳангарон, Зангиота, Чиноз туманларида фаолият кўрсатаятган шифокорлар хизматида кексалар манзиви, Л. СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

«Sirdaryo elektr tarmoqlari» очик акциядорлик жамиятининг ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ

1. Тўлик ва қисқа номланиши: «Sirdaryo elektr tarmoqlari» очик акциядорлик жамияти. «Sirdaryo elektr tarmoqlari» ОАЖ.
2. Хукукий манзили: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Мустақиллик» кўчаси, 64-уй.
3. Эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами: Гулистон шаҳар ҳокимининг 2002 йил 9 октябрдаги № 1000-сонли қарори.
4. Ташкилий-хукукий шакли: очик акциядорлик жамияти.
5. Таркибига эмитент кирган бирлашма, ассоциация, концерн, корпорация ва бошқаларнинг тўлиқ номланиши ва хукукий манзили: «Ўзбекинефто» ДАК, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 6-уй.
6. Эмитентнинг ҳисоби (жорий) ва бошқа рақамлари, хизмат кўрсатувчи банк муассасанинг номи ва реқвизитлари: Ўзбекистон Республикаси Сановат курилиш банкнинг Гулистон шаҳар бўлими, ҳисоб рақами: 202100006001344817001, МФО 00855, ИНН 200324414.

1. Бошланғич маълумотлар: а) низом фонди 3136733000 сўм б) акциялар миқдори 313673 дона в) акция номинали 10000 сўм
2. Хорижий сармоядорларга сотиладиган эгаси ёзилган оддий акциялар: а) акциялар улуғи 49 фоиз б) акциялар суммаси 1537000000 сўм в) акциялар миқдори 153700 дона
3. Акциялар чиқариш шакли: Марказий депозитарий электрон ёзувларда сақланадиган иккинчи даражали депозитарийларда ҳисоби нақдсиз шаклдаги 100% 313673 дона 3136733000 сўмлик акциялар
4. Акцияларни жойлаштириш ва сотиш тартиби, миқдори

Акцияларни сотиш ва жойлаштириш усуллари	Сотиш ва жойлаштириш муддатлари		Акцияларнинг умумий қиймати	
	Бошланғич	Тугалланиши	Суммаси сўм	Акциялар умумий оғирлиги %
Жами	1 йил давомида		3136733000	100%
1. Давлат эғалик қилувчи оддий акциялар	1 йил давомида		1599733000	51%
2. Хорижий инвесторларга сотиладиган оддий акциялар	1 йил давомида		1537000000	49%

Корхоналар, ташкилотлар, улгуржи харидорлар ва тадбиркорлар диққатига!

2002 йилнинг 20-27 ноябрь кунлари 2003 йилда ишлаб чиқариладиган ЕНГИЛ БАНДАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ.

Манзили: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45-уй, иш вақти: соат 9.00дан 18.00гача.

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25
132-10-63

256-хона

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг жамоаси вазирлигининг маъсул ходими Хурья Умаровага турмуш ўртоғи

Анвар УЛМАСОВНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ифдор этади.

Тажрибтада ҳажми 5 қозғалди зийд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 22.45.

1 2 3 4 5 6

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЕВОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ДОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сўбсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92

Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65

Маънавият ва маърифат — 136-35-60;

Газетасоҳар билан алоқа ва миткалар — 136-29-89; 133-07-48;

Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва турizm — 132-12-08;

Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;

Котибиат — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 977. 27225 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз биринчи А—2.

Газета таҳририят компьютер базисда терилди ҳамда операторлар Ж. ТОЛТЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ. Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА. Муҳаррир — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.